


## I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-март ойлари давомида вилоятнинг асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 1018,7 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръти 207,2 фоизни ташкил этди.

### Асосий капиталга киритилган марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари




Вилоятда 2018 йил январ-март ойларида асосий капиталга киритилган марказлашган инвестициялар 588,4 млрд. сўмни, ўсиш суръати, 3,6 марта (жами ҳажмдаги улуши 57,8 фоиз)ни ташкил этди. Марказлашмаган инвестициялар ҳажми 2018 йил январ-март ойларида 430,2 млрд сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 130,7 фоиз (жами ҳажмдаги улуши 42,2 фоиз)ни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбаалари бўйича асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг тақсимланиши**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсии суръати, %</i>	<i>якунга нисбатан фоиз</i>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>1018,7</b>	<b>207,2</b>	<b>100,0</b>
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>588,4</b>	<b>365,7</b>	<b>57,8</b>
бюджет маблағлари	6,5	67,0	0,7
давлат мақсадли фонд маблағлари	8,4	82,5	0,8
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
хукумат кафолати остида чет эл инвестициялар ва кредитлари	573,5	406,6	56,3
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>430,2</b>	<b>130,7</b>	<b>42,2</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	132,2	78,5	13,0
аҳоли маблағлари	102,9	99,5	10,1
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	26,7	263,2	2,6
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	168,4	405,9	16,5

## Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаалари бўйича тақсимланиши



### 2018 йил январь-мартда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	жами	Давлат	Нодавлат
--	------	--------	----------

**Жами, млрд. сўм**      1018,7      39,4      979,3

шу жумладан: умумий ҳажмга  
нисбатан фоиз кўринишида

курилиш-монтаж ишлари      831,5      29,4      802,1


машина, ускуналар, транспорт  
воситалари ишлаб чиқариш ва  
хўжалик жихозлар      162,3      9,3      153,0

Бошқа ҳаражатлар      24,9      0,7      24,2


Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-март ойларига нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 8,0 фоизли пунктга кўпайди, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жихозлар қиймати улуши 7,2 фоизли пунктга камайган бошқа ҳаражатларнинг улуши 0,9 фоизли пунктга камайган.

**Асосий капиталган киригилган инвестициялар ва  
кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

Январь-март  
2017 й.



Январь-март  
2018 й.



- █ Уй-жой қурилиши
- █ Ташиб ва сақлаш
- █ Электр,газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш
- █ Ишлаб чиқариш саноати
- █ Бошқа фаолият турлари
- █ Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмираш
- █ Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- █ Қурилиш
- █ Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- █ Профессионал, илмий ва техник фаолият
- █ Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

### Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш

2018 йил январь-март ойларида умумий майдони 132,5 минг кв.м. бўлган 1280 та (2017 йил январь-март ойлари якунига нисбатан 75,4 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 100,2 минг кв.м (76,5 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киригилган инвестициялар ҳажмидан 184,9 млрд. сўми ёки 82,1 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умуттаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш ва қайта таъмирашда 2,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган жами инвестицияларнинг 1,2 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш обьектларини қуриш ва реконструкция ишларида 7,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестиацияларнинг 3,4 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 12,1 км узунлиқдаги ичимлик суви тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йил январь-март ойлари якунига нисбатан 32,4 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига ахоли маблағлари ҳисобига 298,1 млн.сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2018 йил январь-март ойларида 309,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 105,6 фоизни ташкил этди.


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 63,8 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 16,9 фоизи фуқаролик қурилиши обьектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 19,3 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан бажарилган умумий ҳажмнинг 71,0 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

### **Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз қучлари билан**

#### **бажарган қурилиш ишлари тақсимоти**

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

■ 2018 йил Январ-Март ■ 2017 йил Январ-Март



Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 293,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,8 фоизни (2017 йил январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 105,1 фоизни) ташкил қилди.